ТИЛАК ЖЎРА

•

ОЛАМ ОСТОНАСИ

ОЛТИН БЕЛАНЧАК



ТИЛАК ЖЎРА

ОЛАМ ОСТОНАСИ



Шеърлар

Muhammad Siddiq kutubxonasi
@Muhammad_Siddiq

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1980 ЙИЛ

Дейдиларки, шеър уни яратувчининг юрагида даставвал оҳанг, куй бўлиб туғилар экан. Ҳа, шеър — қўшиқ, шоир — куйчи, бу қадимдан маълум гап. Узининг «Райҳон» номли биринчи китоби билан алақачон ўқувчилар қалбига кириб, замона завқига эш бўлган Тилак Жўра шеърларини мутолаа қилганда бу ҳақиқат яна бир марта хотирга келади.

«Пишиқчилик» шеърида «бир этак болакайи» бор эркак ва аёлнинг «бахтдан кўзлари қамашган» сурури, ҳаёт билан, замон билан, нон билан, қушлар, дарахтлар ва осмон билан бирга нафас олиб, хушнуд эркаланаётган лаҳзанинг сурати чизилади, насл ва зурриёт, оила ва пишиқчилик бир нафис ҳис билан нозик, тиниқ пардаларда куйланади.

Тилак Жўра ўлкамиз манзарасини самимий, сермазмун сатрларда тасвирлайди, бугунги фаровон турмушнинг шукуҳини ихчам поэтик маънолар орқали очиб беради. Шоирнинг фикрлари бўлиқ, шеърдан-шеърга ривожланиб, тўлишиб боради, эҳтиросга йўғрилиб, қалбга жойланади. Ундаги илиқ, мусаффо туйғулар кишини дафъатан ўз сеҳрига олиб, дилни ҳаяжонга тўлдиради.

Фикр ва оҳанг табиийлиги, мисраларнинг қуйма ва кутилмаган сармаст оқими — бу шоирнинг маҳорат йўлидаги тинимсиз изланишлари маҳсулидир. Бу йўлда унга омад тилаймиз.

ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ,
Филология фанлари кандидати, доцент

© «Ёш гвардия» нашриёти, 1980.

* * *

Дарёдай мавжланиб кечади умрим:
Балиғи, қайиғи, тўлқини билан.
Саҳродай ташналаб кечади умрим:
Бўрони, армони, чақини билан.
Мен кечиб ўтарман оқин дунёни,
Дунёдек ранго-ранг ҳисларим билан.

◆

ЮРАК МИНБАРИДАН СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Қаддин тиклаётган майса сингари
Қад ростлаб боқаман —
Чарақлаган уфқлар томон,
Эҳ, бу қандай гўзал!
Мени ҳисларимдай олади ўраб,
Офтобнинг беғубор этаги.
Офтоб елкасида мовий бир наво —
Чарақлаб кетгандай наздимда дунё.
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан,
Улуғворлик қўшиғин куйлаб,
Уфқларга чирмашар дарё.
Дарё ва офтобдан яйраб,
яшариб,
Яна мовийлашар осмон ва замин!
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Сизиб келар менинг бағримга
Дунёнинг муаттар ҳидлари...
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан
Офтоб тиғи сингган заминга
Бармоқларим билан чизаман йўллар —
Бармоқларим чизган йўллардан
майсалар,
бошоқлар унар,
Бахтин кўз-кўз қилиб
рўмолчасин силкиган қиздай.
Шарққа,
Шимолга,

Жанубга,
Ғарбга силкинар
Менинг бармоқларим — майсалар, бошоқлар.
Шунда,
Хаёлга ҳам келмас дафъатан
Куяётган бошоқлар,
майсалар:
Емғир шахдидан эмас,
Тутўндан толиққан тарновлар,
Хаёлга ҳам келмас дафъатан.
Майин ёғиб ўтган ёмғир ортидан,
Чарақлаган уфққа,
Бойчечакка,
Куртакка,
Дунёга қадам қўйган гўдакка
Циалковскийнинг кўзлари билан,
Нозимнинг ва менинг кўзларим
билан,
Эзгу бир ният билан
нега боқмаслар?
Офтоб
Чумолидан тортиб то инсон қадар
Ўз шуъласин таратса,
Замин
Ажириқдан тортиб то чинор қадар
Елкасида эркаласа,
Нега
Бир умид билан,
Бир кўз билан
осмонга боқолмаймиз?!
заминга боқолмаймиз?!
Биз янги офтоб кашф қилган замонда,
Биз осмонни остона қилган замонда?!
Йўқ!
Буларни ўйламай бўлмас
Мовийликдан кўзларим яшнаб турса ҳам,

* * *

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,
Ой билан офтобнинг буюк ватани.
Тонг каби жилмайиб бахти очилган
Майсага кўмилиб нурли бадани.

Осмон посбонидир бунда бургутлар,
Чумчуқ чуғуридан тошилади том.
Бу ўлка кўксида ёнар булутлар,
Чинор шохларига қўнганида шом.

Не-не дарёлар бор, югуриб-елиб,
Уммонда қолармар бир умр яхлаб.
Бу чаман бағрига дарёлар келиб
Заминга сингарлар, гўзадай шохлаб.

Кўзёшдек тиниқдир бу элда осмон
Шафтоли шохлари қайрилган онда.
Нақш олма юзига югурганда қон
Офтоб ҳам осилиб, толар армонда.

Бу элнинг қадимий ҳар қўшиғида
Бежиз олтин дея аталмас тупроқ.
Симёғочга қўнган қуш тумшуғида
Тилладай нурланиб турибди бошоқ.

Чайқалиб ётибди нурли бир чаман,
Юлдуздай сочилиб оламга шони.
Фидойи ўғилман, ёниб ўпаман,
Олам остонаси — Ўзбекистонни.

ОНА НИЯТИ

От чоптириб чиқдинг уйингдан,
От чоптириб қайтгин, илоҳим!
Қўлингдаги жиловинг каби
Эркинг бўлсин ўзингда доим.

Майли мени ўйлама, болам,
Топганингни сарф қил ўзингга.
Лек бировга бўлмагин қарам,
Нам тегмасин сира тизингга.

Улғайтирдим полвоним дея,
Толиққанда дармоним дея.
Шамол каби елиб борасан,
Олисдаги осмоним дея.

Осмонингни олиб қайт болам,
Қолиб кетма осмон васлида.
Отанг қурган бу кичик ҳужра
Осмондан ҳам кенгдир аслида.

От чоптириб чиқдинг уйингдан,
От чоптириб қайтгин, илоҳим!
Қўлингдаги жиловинг каби
Эркинг бўлсин ўзингда доим.

* * *

Дўстим А. Умарова

Силкиниб қолдилар ортда тераклар,
Эгилган шохларда бизнинг болалик!
Шохларга чирмашиб қолган варраклар,
Ялангоёқ кунлар аро жудолик.

Бизга она бўлган ялангоёқ йўл
Учраштирди бизни бу олам аро!
Кимнингдир манглайин силар энди чўл,
Кимнингдир бағрига олади само!

Мақсадимиз таранг тортилган камон,
Биз чақмоқ сингари чақнаб борамиз.
Булутдек босади гоҳида фиғон,
Шерик бўлмоқликка уз қ орамиз.

Аммо юраклардан ўчмайди сира
Тўпиққа чиқмаган ўша ирмоқлар.
Бугун она эрур бизга хотира —
Ялангоёқ ўғлин севиб қучоқлар!

Силкиниб қолдилар ортда тераклар,
Эгилган шохларда бизнинг болалик!

* * *

Хилватгина салқин хиёбон,
Намчилгина туманли кеча.
Сурма рангли, бўялган осмон,
Кўзларимга чўкмоқда аста.

Танҳогина — танҳомни излаб,
Уйларимдай сўнгсиз кезаман,
Ёмғир каби ғамгин шивирлаб,
Туманлардай сарсон сузаман.

Кўзларимга кўринмайди ҳеч
Тушда кўрган баҳорим менинг.
Ухлатмасдан қитиқлаб ҳар кеч
Имлаб қочган ашъорим менинг.

Алдансам-да, дўстларим, шундай,
Туманларга бўлмасман тутқин.
Қуёш билан кезар юрагим,
Қуёш олиб қайтарман бир кун.

ПИШИҚЧИЛИК

Бахтдан кўзлари қамашган каби
Ипак кўрпаларни иякка тортиб
Кўзларини хиёл юмиб
Ётибди эркак ва аёл,
Бахтдан кўзлари қамашган каби.
Ташқарида:
Тонгнинг элчилари — қушлар
Тинмайин чуғурлар:
У шохдан бу шохга қўниб,
Тонгнинг элчилари — қушлар
Тинмай чуғурлар:
Жавдари хирмон шаънига,
Тип-тиниқ осмон шаънига,
Хиёл кўзларини юмиб ётган,
Шу икки инсон шаънига
Қушлар — тинмай чуғурлар...
Эркак ва аёлга қўшни хонада
Келажак элчилари — бир этак болакай
Қушлар каби чуғурлар,
Хонанинг у бурчагидан бу бурчагига чопиллаб
Жажжи қўлчаларда бурда нон
Қушлардай чуғурлар:
Қўлидаги нон шаънига,
Жавдари хирмон шаънига,
Тип-тиниқ осмон шаънига
Шу икки инсон шаънига
Бир этак болакай қушлардай чуғурлар...
Тонгнинг элчилари қўшиғидан,
Келажакнинг элчилари қўшиғидан

* * *

Хайр энди. Сарғиш майсалар,
Қалбимдаги маъюс ҳаяжон!
Шабнам каби сўнган бўсалар,
Қорли кунлар бугун ҳукмрон.

Оппоқ бўлиб ястанмиш олам,
Кўринмайди заррача ғубор.
Бу оқликнинг момиқ бағридан,
Энди сизни тополмам зинҳор!

◆

Маст бўлиб,
Бахтдан кўзлари қамашиб,
Ипак кўрпаларни яккача тортиб,
Хиёл кўзларини юмиб,
Ётибди эркак ва аёл,
Бахтдан кўзлари қамашиб...

◆

* * *

Сузилармиш мастона кўзлар
Поймонаси тўлганда кўнгил.
Толе менга неларни сўзлар,
Нималарни ваъда айлар ул.

Тизларимга қўнганча ҳилол,
Ўзга ишқдан айтар менга роз.
Деразамни чертди-ю шамол,
Ёлғиз ўзи айлади парвоз.

Мен-ку ишқдан бўлай деб сармаст,
Ўз бахтимни излаб юрибман,
Ой, офтобни қилмадим ҳавас,
Остонангга бошим урибман.

Неча бора сўнди юлдузим,
Бир кулгунча бу қора кўзлар,
Остонангда бор менинг изим,
Ҳар тонг менга ишқимни сўзлар.

Мана бугун қошимда ҳилол,
Уз ишқидан ёниб сўзлайди.
Мени ёлғиз қолдирган шамол,
Остонангдан изим қувлайди...

Толе менга неларни сўзлар,
Нималарни ваъда айлар ул.
Сузилармиш мастона кўзлар
Паймонаси тўлганда кўнгил.

* * *

Япроқлар хўп шитирлаб,
Шоҳсупани қоплади.
Чумчуқлар чуғурлаб,
Супа узра чопади.

Кузнинг сочи сочилар,
Аста эшик очилар...
Барг супурар келинчак —
Тебрангандек беланчак...

Тинмас сира шаббода,
Шоҳсупани барг босар.
Чолнинг кўзи тарновда,
Кампир тугунини осар.

Бармоқлари хиноли
Қўллар хазон супурар
Чолу кампир маъноли —
Аста кўз уриштирар...

Кўзларни севинч қучар,
Умидлар баланд учар:
Бир гала чумчуқ каби
Шоҳсупадан барг кўчар...

Супуради келинчак
Бир ҳовлининг хазонин,
Хазонмас, бир умрлик —
Чолу кампир армонин.

* * *

Шаҳарнинг бир четида,
Кичиккина ҳовлида:
Яшар она ва ўғил,
Орзуларнинг мавжида.

Офтоб чиқар-чиқмас,
Уйғонади икковлон.
Кампир игнасин қўймас —
Ўғил қаламин бир он.

Ороми йўқ кунбўйи,
Кампир тикиб-тўқийди.
Ўғил қилиб хиргойи
Янги шеърин ўқийди:

«Шарқираган дарё-ю,
Чарақлаган кенг осмон,
Сизга бўлсин ҳадя,
Бари сизга онажон!»

Астагина ютиниб,
—Қандай яхши,— дер кампир:
Бораяпман жунжикиб,
Кўмир бўлса бир пақир...

Қуйи эгиб бошини,
Ўғил лолдир бир лаҳза.
Сўнг чимириб қошини,
Қўлини қилар пахса:

«Тоглардаги лола-ю,
Заминдаги боғ-бўстон,
Сизга эрур ҳадя,
Бари сизга онажон!..»

Астагина ютиниб,
Кампир «қандай яхши», дер,
Даҳлизда чакка тиниб,
Қўйилса янги шифер...

Шаҳарнинг бир четида,
Кичиккина ҳовлида
Яшар она ва ўғил,
Орзуларнинг мавжида.

◆

* * *

Уримдан сўнг далада,
Совуради чол хирмон:
Доннинг олтин патига
Кўмилган мовий осмон.

Кўкдан танга сочгандай,
Дон тўкилар нурланиб.
Чол дейди, шамол, ҳай-ҳай,
Қолмасада турланиб:

— Шамол ҳувур-ҳувур,
Бир томондан эсиб тур,
Ҳар лаҳзада турлансанг,
Юзингни кўрсин чуқур...

Уримдан сўнг далада
Кампир бошоқ излайди.
Бўм-бўш далада яйраб,
Уз-ўзига сўзлайди:

Бошоғим, бошоқгинам
Кўрсат менга ўзингни.
Ризқи-рўз ушоқгинам,
Ел кўрмасин юзингни...

Уримдан сўнг далада...

СЕВИНЧ

Олисдан келдим,
На отда
На пиёда...
Келдим,
Лабларингга қўниб,
Кўзларингга қўниб,
Ёноғингда ёнган зиёда.

◆

ШУДГОР

Н. Комиловга

Тумандай тарқатиб қишки рўёни,
Кескир омоч билан ҳайдайман шудгор.
Илдизин йўқ қилгим чирик пояни,
Кенжа умидларнинг ниш урмоғи бор!
Менга баҳра бергай
анвойи гуллар,
Терда қотган ишчи кўйлагин ҳиди.
Қора нон,
Ўткир шароб,
тиниқ кулгулар,
Деҳқон қошидаги пахтанинг гарди...
Мен бугун даламни шудгор қиламан,
Димиққан бағрики бўлгай беғубор.
Нурдан кўр чувалчангларни тиламан,
Кулимсираб боқар ортимдан шудгор!

◆

I

Ранг излайди, титраб камалак,
Чарақлаган майсалар ичра.
Ирмоққалар кийиб кўйлак,
Пешонаси тўлқиндан ғурра.

Астагина эгилар шохча,
Йигит қалбин қучар ҳаяжон!
Қирсиллатиб чайнар довучча,
Юзларига доғ тушган жувон.

II

Боғлар бағри ёниб чорлайди,
Йўлларингга ипак сочилар.
Намхуш замин зангин порлайди,
Дунёнинг хўп ранги очилар.

Қизча кулиб очади кафтин,
Қандай майин ёғади ёмғир.
Буриштириб кунгайга афтин,
Дарчасини ёпади кампир.

МАШРАБ

Кўкка қараб қўлин силтади,
Ерга қараб силкди этагин.
Иккисин ҳам кўзга беркитди,
У, дунё деб билди юрагин...

◆

* * *

С. Есенинга

Қургур Жимки тинмай вовуллаб,
Тонгга қадар бермайди ором.
Бугдойзор ҳам тинмай шовуллаб,
Лабдан тушмас ўша эски жом.
Бу ҳаётки гўзал, дилрабо
Тонгни кўрмай қичқирмас хўроз.
Ярим кеча бўлиб шалаббо,
Тарновларда йиғлайди овоз.
Шеър, шоирга тўла бу олам,
Балки сени кўпи қондирмас.
Искандарнинг шохдор бошин ҳам,
Вазирларга солмай қолдирмас.
Бир ҳаётга минг битта ўгит,
Туйғуларни кўмибди ақл.
Мен туйгудан бўлолмам соқит,
Балки менман бир оз беақл.
Шўнғир менинг сочларим аро,
Сен хароб қилган оқ қушлар.
Жўрапгга ҳам қилмади вафо,
Толеини тинмай тарошлар.
Телба хаёл ва аччиқ шароб
Мени ҳам шу йигит ёшимда —
Худди сендек қилдилар хароб,
Данак чақиб қушлар бошимда.
«Умидим бор ҳаётдан ҳали» —
Ўз жонимга ўзим қилмам қасд.
Эсиб турса Шарқнинг шамоли,
Ўз туйғумдан ўзим юргум маст.

ОСМОННИНГ РАНГИ

(майваста шеър)

Найсон нағмасига ёқамни очдим,
Руҳимга кўчди осмоннинг ранги:
Нилий,
Нилгун,
қоп-қора рангларни ичдим,
Умрим ҳалқасида уларнинг жанги.
Осмон қоп-қора!
Деразам олдида тонгданоқ кимдир
ютиниб-ютиниб йиғлайди,
Эҳ, бу ўзим шуваган, эски печканинг
эски карнайи
Уз томимнинг посбони — Тарновбой!
Тарас Бульба тутунини пуфласа кўкка,
Бизнинг Тарновбой,
кўк тутунин пуфлайди ерга.
Бу дам ит ҳам ертўлада хомуш мудрайди,
Қизиқ!
Ит оқни ҳуркитиб,
қорадан ҳуркади.
Мен ҳам осмондан қовоғим уйиб,
Лабларимга намли папирос қўйиб
Ишхонамга бораман,
Хонамга қора булутлар сочиб,
Ишхонамдан қайтаман.
Бу кўк ва руҳимнинг жанги,
Умримнинг эгови, занги.
Кўк — нилий.
Офтобга ўгириб кўксин
чол чилим тортади,

Юлдузларнинг саноғини олган каби мунажжим,
Хаёлотга ботади.
Кўкда турли хил,
турли тоифа оқ булутлар
Бир-бирига ёнбошлаб сукут сақлар.
Мен ҳам оқ булутдай оқ кўнгил билан,
Ишхонамга бораман,
Оқ булутдай, оқ кўнгил билан,
Ишхонамдан қайтаман.
Бу кўк ва руҳимнинг бир ранги.
Осмон — кўм-кўк.
Ариқчада чўмилаётган қизчанинг,
Бир тутам сочи,
Қуёшнинг нурига,
Қувончнинг қўрига қоришган.
Томчилардан келиб қитиғи,
қизча қиқир-қиқир кулади.
Менинг ҳам осмондай ёришиб кўнглим,
Ишхонамга бораман,
Осмондай ёришиб кўнглим,
Ишхонамдан қайтаман.
Бу кўк ва руҳимнинг уйғун бир кайфи...
Найсон нағмасига ёқамни очдим,
Руҳимга кўчди осмоннинг ранги.

◆

* * *

Кел, эй, кўнгил шаробдай қуйил,
Қақраб қолган қақроқ лабимга.
Маст бўлайин майлига буткул,
Малҳам бўлсанг соғинч дардимга.

Туйғулардан кўзим қамашиб,
Узоқ йиллар куйладим ойни
Илон каби ул ҳам чирмашиб,
Туйғулардай авради мени.

Ой ҳам бугун бегона менга,
Бегонадир осмон ҳам ахир.
Умидимдай суяндим тонгга,
Бу тонглар-ки йилт этган шамшир.

Маст айларди шудгорнинг ҳиди,
Замин бугун димиқиб ётар.
Чигирткалар саси ҳам тинди,
Сукут юрагимга наштардай ботар.

Умр ўхшар эгик дарахтга,
Белни букар буюк бир соғинч!
Мен ҳушимда ўхшаб карахтга,
Тушларимда яшайман нотинч.

Шовуллаган сойни куйладим,
Оқиздирмас ҳатто соямни.
Мен ҳамиша бахтни ўйладим,
Чақмоқларга санчиб миямни.

Йўқ! Тугамас кўнгил сафари,
Бўлмаса ҳам армонинг васли.
Бўл ҳаётнинг ғолиб асвари,
Қалбим сендан топдим тасалли!

Кел, эй, кўнгил шаробдай қуйил,
Қақраб қолган қақроқ лабимга.
Маст бўлайин майлига буткул,
Малҳам бўлсанг соғинч дардимга.

◆

Ғайбулла Саломовга

— Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим,
Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим.
Умримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим,
Шу қуёш шуъласида ёнажак менинг умрим.

Мен умид дунёсининг самандар шайдосиман.
Нек ниятли одамнинг қалбдаги садосиман.
Бошимни тошга уриб, дилни гулга ўрадим,
Бу кўҳна дунёнинг мен туби йўқ дарёсиман.

Хўп, сирли дарёдирман, беҳисоб туғёним бор,
Дард деган армоним бор, орзудай дармоним бор.
Жисмимни қорга кўмиб, дилларда ўт ёқаман.
Гоҳида суроними, гоҳида қурбоним бор.

Оҳ, мени наки кўкка, наки ерга қўйдилар,
На жоним, на қонимдан, на ўзимдан тўйдилар.
Рўдакий эрдим, охир кўзларимни ўйдилар,
Насимий эрдим, охир товонимдан сўйдилар,

Машраб бўлдим, ўлмадим, кўтардим ўтли исён,
Ҳансираган ҳисларга ёлғиз соҳибу султон.
Қоним-ла бўясам-да манов икки дунёни,
Ҳамон қонга тўймайди, ё раб, бу ёруғ жаҳон.

Неча бора туғилдим, неча бора ўлдим мен,
Умид бўлиб кулдиму армон бўлиб сўлдим мен.
Буни на худо билар, наки билар пайгамбар,
Улардан ҳам олдинроқ имон бўлиб келдим мен.

Мен илк бора чўғ бўлиб қадалярман юракка,
Юракдан қувват олиб, кундай чиққум фалакка.
Кимки менга дил бермай, чўзар бўлса қўлини,
Икки дунё етолмас кўнгилдаги тилакка.


Туйғуларим туғёни заранг тошларни ёрди,
Орзуларим сурони не-не бошларни ёрди.
Аввал бошда туғилди — юрагимда инқилоб,
Тақдир менинг лойимни қуёш нурига қорди.

Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим,
Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим,
Умримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим,
Шу қуёш шуъласида қолажак менинг умрим.

◆

МУНДАРИЖА

3	ДАРЁДАЙ МАВЖЛАНИБ...»
4	ЮРАК МИНБАРИДАН СЎЗЛАНГАН НУТҚ
8	«ЧАЙҚАЛИБ ЁТИБДИ...»
9	ОНА НИЯТИ
10	«СИЛКИНИБ ҚОЛДИЛАР»
11	«ХИЛВАТГИНА»
12	«ХАЙР ЭНДИ»
13	ПИШИҚЧИЛИҚ
15	«СУЗИЛАРМИШ»
16	«ЯПРОҚЛАР ХЎП»
17	«ШАҲАРНИНГ БИР...»
19	«ЎРИМДАН СЎНГ»
20	СЕВИНЧ
21	ШУДГОР
22	ГЎЗАЛЛИК
23	МАШРАБ
24	«ҚУРҒУР ЖИМКИ...»
25	ОСМОННИНГ РАНГИ
27	«КЕЛ, ЭЙ, КЎНГИЛ»
29	ШЕЪРИЯТ



Тилак Жўра 1947 йилда Бухоро область Қоракўл районидаги Сайёт қишлоғида туғилди. У ўрта мактабни тугатгач, В. Н. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида таҳсил олди. Айни чоғда „Таржима назарияси" кафедрасида аспирант. Тилак Жўранинг илк шеърлар тўплами „Райҳон" номи билан 1977 йилда чоп қилинг